



CLASSIFICATION OF THE MODERN LANDSCAPES OF JIZZAKH REGION

Zafarjon Makhramkulovich Toshboyev

Associate Professor of the Department of Geography
Jizzakh State Pedagogical University
Jizzakh, Uzbekistan

Nafisa Abdukhmidova

Student of the Geography education program
Jizzakh State Pedagogical University
Jizzakh, Uzbekistan

Fotima Kodirova

Student of the Geography education program
Jizzakh State Pedagogical University
Jizzakh, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: oasis landscapes, anthropogenic landscapes of plains, foothill landscapes, foothill plain landscapes, foothill adyr landscapes, intermountain landscapes, depression landscapes, medium-altitude mountain landscapes.

Received: 02.12.25**Accepted:** 04.12.25**Published:** 06.12.25

Abstract: This article discusses the current state of landscapes formed within the territory of Jizzakh region, their study and classification into landscape types, landscape classes and types, as well as their division into natural geographical regions. It also highlights the identification of mountain and plain landscape types within each of these regions.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ ЛАНДШАФТЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ

Зафаржон Махрамкулович Тошбоев

ЖиззахДПУ География кафедраси доценти в/б, з.ф.ф.д (PhD)
Жиззах, Ўзбекистон

Нафиса Абдухамидова

ЖиззахДПУ География таълим йўналиши талабаси
Жиззах, Ўзбекистон

Фотима Қодирова

ЖиззахДПУ География таълим йўналиши талабаси
Жиззах, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: воҳа ландшафтлари, текисликдаги антропоген ландшафтлар, тоғолди ландшафтлари, тоғолди текисликлар ландшафти, тоғолди адир ландшафтлари, тоғ оралиғи ландшафтлари. ботик ландшафтлари, ўртача баландликдаги тоғ ландшафтлари.

Аннотация: Ушбу мақолада Жиззах вилояти ҳудудида таркиб топган ландшафтларнинг ҳозирги ҳолати, уларнинг тадқиқ этилиши ва ландшафт типларига ажратилиши, ландшафт синфлари ва типлари, табиий географик районларига ажратилиб, уларнинг ҳар бирида тоғ ва текислик ландшафт типлари ажратилиши каби масалалар ёритилган.

КЛАССИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ЛАНДШАФТОВ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ

Зафаржон Махрамкулович Тошбоев

и.о. доцента кафедры географии

доктор философии (PhD) по географии

Джизакского государственного педагогического университета,

Джизак, Узбекистан

Нафиса Абдухамидова

Студентка образовательного направления «География»

Джизакского государственного педагогического университета

Джизак, Узбекистан

Фотима Қодирова

Студентка образовательного направления «География»

Джизакского государственного педагогического университета

Джизак, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: оазисные ландшафты, антропогенные ландшафты, равнин, предгорные ландшафты, предгорных равнин, предгорные адырные ландшафты, межгорные ландшафты, впадин, средневысотные горные ландшафты.

Аннотация: В статье рассматриваются современное состояние ландшафтов, сформировавшихся на территории Джизакской области, их изучение и классификация по типам ландшафтов, классам и типам ландшафтов, а также их разделение на природно-географические районы. Освещаются вопросы выделения горных и равнинных типов ландшафтов в каждом из этих районов.

Кириш. Жиззах вилояти ҳудудида табиий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, воҳа ландшафтларининг морфологик структурасини тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш, агроландшафтларнинг морфологик бирликларини ажратиш ва чегаралаш ҳозирги замон антропоген ландшафтшунослик фанининг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Олиб бориладиган барча ландшафт тадқиқотларининг асосий вазифаси жойнинг ландшафт картасини тузиш, ландшафтларнинг ички тузилиши, ёши, динамикаси ва ривожланишини

таҳлил қилган ҳолда батафсил таърифлаб бериш билан бирга уларни маълум мақсадларни кўзлаган ҳолда сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш, у ёки бу шароитда қандай ўзгаришлар содир бўлиши мумкинлигини ва бунинг оқибатида қандай экологик вазиятлар вужудга келишини олдиндан белгилаб бериш, яъни башоратлашдан иборатдир. Бундай масалалар ўз навбатида ландшафт изланишларида геофизикавий, геохимёвий ва бошқа анъанавий бўлмаган усуллардан фойдаланиш билан бир вақтда экологик ёндашишни ҳам талаб қилади (Зокиров, 1995).

Асосий қисм. Ландшафт тўғрисидаги таълимот билан боғлиқ қатор муҳим назарий ва услубий жиҳатлар Л.С.Берг (1913, 1931, 1947), Н.А.Солнцев (1949), А.А.Григорьев (1957), А.Г.Исаченко (1965, 1971), Ф.Н.Мильков (1966, 1967), В.С.Преображенский (1966), С.В.Калесник (1970), В.Б.Сочава (1972, 1978), И.П.Герасимов, Н.А.Гвоздецкий (1973, 1979), В.А.Николаев (1973, 1979), Д.Л.Арманд (1975), И.М.Забелин (1978) ва бошқаларнинг ишларида атрофлича ёритилган.

Ўрта Осиёнинг тоғлари ва текисликларининг ландшафт тузилмаларини турли ёндашувлар асосида ўрганишда Л.С.Берг (1913, 1931, 1947), Р.И.Аболин (1929), Э.М.Мурзаев (1957), Н.Л.Корженевский (1960), Н.А.Гвоздецкий (1960, 1965), М.А.Глазовская (1964), И.С.Шчукин (1983), В.М.Чупахин (1987) каби олимларнинг хизматларини қайд этиб ўтиш лозим.

Туркистон-Нурота тизмаси тоғ ландшафтлари Н.Д.Долимов (1943), Н.А.Гвоздецкий (1965), Ч.В.Гальков, Н.А.Когай (1967, 1969), Т.Д.Жумабоев (1968), Л.А.Алибеков, С.А.Нишонов (1973, 1978), С.А.Нишонов (1984), Р.Баратов (1996), Н.Р.Алимкулов (2008), Л.А.Алибеков (2013) каби олимлар томонидан ўрганилган. Т.Д.Жумабоев (1968) Сангзор дарёси ҳавзасидаги тоғли ва текислик ландшафтларининг яруслили хусусияти ва уларнинг тузилишини қишлоқ хўжалигида фойдаланиш нуқтаи-назаридан тадқиқ этиши эътиборга сазовордир. Л.А.Алибеков, С.А.Нишоновнинг (1978) Сирдарё ва Зарафшон дарёлари оралиғидаги ҳудудларни қишлоқ хўжалиги мақсадида табиий географик раёнлаштириш асосида С.А.Нишонов (1984) ҳудудда 62 та ландшафт турини ажратган, шулардан 20 та ландшафт тури (15 таси тоғ ландшафт ҳамда 5 таси тоғоралиғи ботик ландшафтлар синфлари) тадқиқот ҳудудимизга бевосита мос келади.

П.Баратов (1996) Туркистон-Нурота округини Туркистон ва Нурота табиий географик районларга бўлиб, улар таркибида қуйидаги ландшафтларни ажратган:

1. Туркистон табиий-географик районида:

1. Сангзор водийсининг ўрта қисмини ўз ичига олувчи қўнғирбош ва қорабош ўсувчи тирик (асосий) бўз тупроқли лёссли паст-баланд қир-адирлардан иборат бўлган текисликлар ландшафти.

2. Бодомча ва буғдойиқ ўсувчи тўқ бўз ва жигарранг тупроқли Туркистон ва Молгузар тоғларининг қуйи ёнбағир ландшафти.

3. Туркистон ва Молгузар тоғларининг қуйи 1400 – 2800 м (тоғ минтақаси) баландликларини ўз ичига олган, арчазорлар мавжуд бўлган қорамтир тоғ ўрмон ва жигарранг тупроқли тоғлар ландшафти.

4. Туркистон тизмасининг энг баланд (яйлов минтақаси) қисмларида жойлашган алр ўтлоқлардан иборат бўлган тоғли ландшафт. Бу ландшафт ҳудудида қояли, муз-қорлар қоплаган жойлар ҳам учрайди.

5. Табиий географик районнинг халқ хўжалигида ўзлаштирилган қисмларидаги маданий ландшафт.

II. Нурота табиий-географик районида:

1. Парчаланган, марзасимон тераликлар мавжуд бўлган, қўзиқулоқ ўсувчи асосий (типик) ва тўқ бўз тупроқли тоғлар орасидаги ботиклар ландшафти. Бунга Қўшработ – Қўйтош ботиғи киради.

2. Қўнғирбош ва қорабош ўсувчи чағир тошли бўз тупроқ тарқалган ботиклар ландшафти. Бунга Нурота ҳамда Қоратоғ билан Бахилтоғ орасида жойлашган Орасой ботиғи киради.

3. Қўнғирбош ва қорабош ўсувчи тўқ бўз тупроқли, лёссли тўлқинсимон текисликлар ландшафти. Бунга Ғаллаорол ботиғи киради.

4. Қўзиқулоқ, оққуврай ва шувоқ ўсувчи типик ва тўқ бўз тупроқли раст тоғлар ландшафти. Бунга Ғўбдинтоғ, Қароқчитоғ, Қорачатоғлар киради.

5. Буғдойиқ ва тирчоқ ўсувчи типик бўз ва жигарранг тупроқли ўртача баландликдаги тоғлар ландшафти. Бунга Нурота, Қўйтош тоғлари киради.

6. Шувоқ ва ксерофит буталар ўсувчи жигарранг тупроқли тоғлар ландшафти. Бунга Нурота ва Оқтоғнинг энг баланд қисмлари киради.

7. Ўзлаштирилган ҳудудлардаги маданий ландшафт (232-233-б.).

Худди шундай ландшафт турлари Н.Р.Алимкуловнинг (2008) тадқиқотида ҳам учрайди. Бироқ, юқоридаги тадқиқотларнинг мақсадлари (қишлоқ хўжалик мақсадида ҳамда ландшафт-экологик шароитни баҳолаш учун) ўзига хос бўлиб, тадқиқотлар самарали яқунланган.

Тадқиқотимизнинг мақсади ландшафтларни суғориш мақсадида баҳолаш бўлганлиги туфайли, юқоридаги муаллифлар томонидан тузилган ландшафт карталарини ўтган вақт ва макондаги қисман ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ландшафт турлари ажратилди ва улар тавсифланди:

I. Текисликдаги антропоген ландшафтлар:

1. Дарёларнинг қуйи террасаларидаги суғориладиган бўз-ўтлоқ тупроқли ясси текисликлардаги агроландшафтлар.

2. Тоғолди қия текисликлари ва конус ёйилмаларидаги типик бўз тупроқли суғориладиган воҳа ландшафтлари.

II. Тоғолди ландшафтлари.

1. Тоғолди текисликлар ландшафти:

3. Қия, ясси аллювиал-пролювиал текисликлардаги бўз-ўтлоқ тупроқли тоғолди суғориладиган агроландшафтлар.

4. Тўлқинсимон текисликлардаги қисман ҳайдаладиган типик бўз тупроқларда эфемер-шувоқ ўсимликлари ўсадиган тоғолди баҳорикор агроландшафтлар.

5. Қия, кам парчаланган тоғолди шлейфлари ҳамда конус ёйилмаларининг бўз-қўнғир тупроқли ва тошлоқ куруқ ўзанларидаги эфемер, эфемер-шувоқ, шўра-шувоқ формацияли ярим баҳорикор ва суғориладиган агроландшафтлар.

6. Қияроқ, кам парчаланган тоғолди текисликларининг бўз тупроқларидаги эфемер-эфемероид, ярим буталилар тарқалган баҳорикор агроландшафтлар.

7. Қия, тўлқинсимон текисликлардаги қисман суғориладиган типик бўз тупроқли тоғолди агроландшафтлар.

8. Тоғолди пролювиал текисликлардаги шағал ва майда шағал-қумлоқли, чўлларда ксерофит чала буталар, эфемер-шувоқли чўл ландшафтлари.

9. Кучли парчаланган, бошоқли-эфемероидли тоғолди чалачўл ландшафтлари.

2. Тоғолди адирлар ландшафтлари:

10. Кучли ва кам парчаланган ёнбағирларнинг тирик бўз тупроқларидаги шўрали шувоқзорлар, баъзан эфемер ўтлар ва бодомзорлар билан қорланган тошлоқ адир ландшафти.

11. Ёнбағирлари кучли парчаланган тўқ бўз тупроқларидаги эфемер-шувоқ-буғдойикли ва турли ўт-буталардан иборат, жигарранг тупроқли дарё водийларида қурғоқчил сийрак ўрмонлардан иборат ёнбағир ландшафти.

12. Лалми тирик бўз тупроқли жойлардаги эфемер-эфемероидлилар ярим буталилар билан алмашилиб келадиган адир ландшафти.

13. Ўртача парчаланган ёнбағирларнинг тўқ бўз тупроқларидаги қўнғирбош-ранг ва бутали бодомзорли адир ландшафти.

14. Тирик бўз тупроқларидаги эфемероид-шувоқ формацияли адир ландшафти.

15. Тоғолди ва дарёларнинг юқори террасаларидаги шувоқ-эфемероидлар, бошоқли-эфемероид формацияли лёссли чалачўл-адир ландшафти.

16. Кучли парчаланган ўртача қияликдаги ёнбағирларнинг бўз тупроқларидаги эфемер-қўнғирбош-ранг, шувокли бодомзорлар, бир йиллик шўра-эфемер-шувокли паст тоғ ва адир ландшафти.

III. Тоғ оралиғи ландшафтлари. Ботик ландшафтлари:

17. Паст-баланд, унчалик ўйилмаган тоғолди текисликларининг бўз тупроқларидаги эфемероид-бутали, ранг-қўнғирбош, бир йиллик шўра янтоқзорли тоғоралиғи текислик ландшафти.

18. Кучли ўйилган, тоғолди ва тоғоралиғи лёссли текисликларидаги эфемер, шувок-эфемероидли тоғолди ва оралиғи баҳорикор агроландшафтлари.

IV. Тоғ ландшафтлари. 1. Ўртача баландликдаги тоғ ландшафтлари:

19. Ўртача қияликлардаги, турли даражада ўйилган буғдойик ва шувок-эфемер-буғдойикли, даштлар эса бетага ёки шувокли, сийрак ўрмонли, тошлок ўртача баландликдаги тоғ-водий ландшафти.

20. Ўртача қияликка эга ёнбағирлардаги бошоқли-турли ўтли, сийрак ўрмонлар аралаш ўртача баланд ландшафти.

21. Кучли ўйилган, бутали, турли ўтлар, сийрак арчазорлар аралаш ёнбағирли ўртача баланд тоғ ландшафти.

22. Паст-баланд, тошлок, бетагали-дашт пастбўйли ўтлар ва қояли ёнбағирли ўртача баланд тоғ ландшафти.

2. Баланд тоғ ландшафтлари:

23. Тик ва ёнбағирлари кучли ўйилган, сийрак арчазорлар ва ксерофитли, ўтлоқлар алмашилиб келадиган, баъзан тик қоялар ва чағил тошли баланд тоғ ландшафти.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, воҳалар антропоген ландшафтларнинг бошқа турларидан фақат табиий географик хусусиятлари билан эмас, балки морфологик структурасининг мураккаблиги билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, Жиззах вилояти табиатининг асосий хусусиятлари ва воҳа ландшафтларининг вужудга келишига таъсир қилувчи омиллар ҳам бир-биридан фарқ қилиши аниқланди. Воҳа ландшафтларини табиий ландшафтлардан фарқи шундаки, улар инсон томонидан бошқарилиш хусусиятларига ҳамда инсон хўжалик юритиш мақсадига мувофиқ ўзгариш характерига эга. Воҳа ландшафтларини дала шароитида тадқиқ этиш, морфологик бирликларни ажратиш ва уларни карталаштириш натижасида Жиззах вилояти ҳудудларининг илмий ва амалий аҳамиятга молик бўлган ландшафт картаси тузилди ва ҳозирги ландшафтларига таснифланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdulkasimov A., Yarashev K.S., Fozilov A. Morphological structure and geoeckology Samarkand oasis of Zarafshan valley //European Applied Sciences №1 – Stuttgart, Germany, 2016. -p. 36-39.

2. Абдулқосимов А.А., Тошбоев З.М. Воҳа ландшафтларини тадқиқ этишнинг илмий ва амалий аҳамияти. //Ўзбекистонда географик тадқиқотлар: инновацион ғоялар ва ривожланиш йўллари. Республика илмий-амалий конференцияси. –Жиззах, 2023. –Б. 8-14.

3. Toshboyev Z.M., Yarashev K.S. Formulation and Development of Mirzachul Landscapes. Nature and Science. Volume 18, Number 2. February 25, 2020. Marsland Press. Multidisciplinary Academic Journal Publisher.

4. Тошбоев З.М. Мелиоративно-техногенные элементы в структура оазисных ландшафтов Мирзачул. Науч.конф. Уфа, Башкортостан. Россия. 2020. Стр.143-145.

5. Тошбоев З.М., Холмирзаев Ж.Э. Мирзачўл воҳа ландшафтларининг шаклланишида ирригациянинг роли. //Наука и образование в современном мире. Вызовы XXI века. Междунар. научно-практ. журнал. Нур-Султан, Казахстан. 2020.

6. Toshboyev Z.M. Relief forms of Mirzachul oasis. ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal. /Vol. 10 Issue 11, November 2020 (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. p. 5.

7. Тошбоев З.М. Мирзачўл воҳа ландшафтларининг шаклланиши ва ривожланиши. GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY - SJIFactor.

8. Тошбоев З.М. Жиззах вилоятида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш. //Иқлим ўзгариши шароитида арид ҳудудлар сув ресурслари: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Халқаро илмий-амалий конференция. –Тошкент, 2023. –Б. 236-242.

9. Ярашев Қ.С., Тошбоев З.М. Воҳа ландшафтларини тадқиқ этишда ландшафт-мелиоратив ёндашиш ва уни тадқиқ этиш методлари. //Замонавий география: инновацион ривожланишнинг илмий-услубий асослари. Халқаро илмий-амалий конференция. –Урганч, 2023. –Б. 16-21.

10. Ярашев Қ.С., Тошбоев З.М. Воҳа ландшафтларининг структурасини тадқиқ этиш ва карталаштириш масалалари. //Ўзбекистонда географик тадқиқотлар: инновацион ғоялар ва ривожланиш йўллари. Республика илмий-амалий конференцияси. – Жиззах, 2023. –Б. 362-366.

11. Bakhronova Sh., Khikmatullaev S., Ochilova M., Toshboyev Z., Karimov Y., Eshkuvvatov B., Hayitov A. Assessment of Ecological Damage using GIS and Remote Sensing: a comprehensive literature review. E3S Web of Conferences 563, 03009 (2024) <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202456303009> ICESTE 2024